

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАЛИМОВА РАНОГУЛ СИМАИ ҚИЗИ

**СЕПСИС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШДА МУВОЗАНАТЛАШТИРИЛГАН АМИНОКИСЛОТАЛАР
АРАЛАШМАСИНИНГ ЎРНИ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616-083.2:615.477.85]:616.34-007.253-089.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муралимова Раногул Симаи қизи

Сепсис билан касалланган беморларни

комплекс даволашда мувозанатлаштирилган

аминокислоталар аралашмасининг ўрни 3

Муралимова Раногул Симаи кизи

Роль специализированных аминокислот

в комплексном лечении больных с сепсисом 23

Muralimova Ranogul Simai kizi

The role of a balanced amino

acid mixture in the comprehensive treatment

of patients with sepsis 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАЛИМОВА РАНОГУЛ СИМАИ ҚИЗИ

**СЕПСИС БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШДА МУВОЗАНАТЛАШТИРИЛГАН АМИНОКИСЛОТАЛАР
АРАЛАШМАСИНИНГ ЎРНИ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/Tib4356 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) БМТМ Илмий кенгаши веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Нематжон Комилжонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сатвалдиева Эльмира Абдусаматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Садикова Минура Адхамовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани. Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66, e-mail: ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани. Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кунни тарқатилди
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

А.С. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунга келиб, сепсис нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки бутун дунё тиббиётининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу унинг юз бериши юқори даражада бўлган ҳамда ҳалигача сақланиб қолган юқори ўлим кўрсаткичлари билан боғлиқ. Сепсиснинг муҳим патофизиологик таркибий қисмларидан бири – бу организмнинг кучли системали яллиғланиш реакцияси билан бир қаторда, узоқ муддатли тизимли метаболик дисфункциядир. Бу ҳолат биринчи навбатда гиперметаболизм-гиперкатаболизм синдроми ва тез ривожланаётган трофологик етишмовчилик билан намоён бўлади. Шу сабабли, ўз вақтида белгиланган оптимал нутритив-метаболик терапия мазкур беморлар тоифасини интенсив даволашнинг устувор усуллари билан бири ҳисобланиб, бу гиперметаболизм-гиперкатаболизм синдроми давомийлиги ва оқибатларини минималлаштириш, шунингдек, олиб борилаётган даволаш тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Ҳар йили Европа мамлакатларида ESPEN (European Society for Parenteral and Enteral Nutrition) томонидан ўтказиладиган «Nutrition Day» скрининг тадқиқотларининг асосий вазифаси беморларга ўз вақтида ва етарли нутритив қўллаб-қувватлашни таъминлаш муаммоларини ўрганишдан иборат. «Эрта бошлаш ва адекват энтерал овқатлантириш гемодинамик барқарорлашувдан сўнг сепсис билан касалланган беморларда қўлланиши зарур. Энтерал овқатлантиришга қарши кўрсатма бўлган ҳолларда, беморларнинг энергия эҳтиёжлари ошишини ҳисобга олган ҳолда, энтерал овқатлантириш адекват парентерал озиқлантириш билан алмаштирилиши керак (кучли тавсия)...»¹. Шу билан бирга, сепсис билан касаланган буйрак ва жигар етишмовчилиги билан асоратланган беморларни интенсив даволаш замонавий клиник реаниматологиянинг энг мураккаб ва долзарб муаммоларидан биридир.

Дунёда сепсис ҳолати полиорган етишмовчилик билан асоратланган беморларни интенсив даволаш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, тизимли ва марказий гемодинамикани баҳолашнинг энг информатив усуллари ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Сепсис билан касалланган беморларда буйрак ёки жигар етишмовчилиги ривожланганда гиперметаболизм-гиперкатаболизмни коррекция қилиш учун энтерал ва парентерал овқатланиш орқали Мувозанатлаштирилган аминокислоталарни киритиш муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида турли йирингли инфекциялар ва сепсиснинг эрта диагностикаси, самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларни камайитишга йўналтирилган бир қатор вазифалар белгиланган. «...Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлиги, сифати ва мавжудлигини ошириш, шунингдек, стандартлаштириш тизимини шакллантириш,

¹ P. Singer et al. / Clinical Nutrition ESPEN 2019; (38) 48-79

диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича самарали патронтаж моделлари яратишдир»². Бунга асосланиб, полиорган етишмовчилик билан асоратланган сепсис билан касалланган беморларни интенсив даволашга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш тавсия этилади.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2020 йилдаги «2030 йилгача илмни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сонли қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тибиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сепсис инфекцион келиб чиқишга эга бўлган организмнинг умумий яллиғланиш реакцияси натижасида ривожланадиган ва яққол намоён бўлувчи гиперметаболизм – гиперкатаболизм билан кечувчи патологик ҳолатлар тоифасига киради. Бу аутоканнибализм ва тез ривожланаётган трофик етишмовчилик билан бирга келади. Шу муносабат билан овқатланишни қўллаб-қувватлаш (энтерал ва парентерал овқатланиш) сепсисни интенсив даволашнинг устувор усули бўлиб, гиперметаболик гиперкатаболизм таъсирини минималлаштиришга ва беморларнинг тез ривожланаётган ҳолсизлигига фаол қарши туришга имкон беради, бу эса терапевтик чора-тадбирлар самарадорлигини оширади, ва ўлим даражасини камайтиришга ёрдам беради (В. М. Луфт, 2022). 2012 йилда сепсисни даволаш учун Surviving Sepsis Campaign компаниясининг тавсиялари бутун дунё бўйлаб жорий қилинганлигига қарамасдан реанимация бўлимларида оғир сепсисдан ўлим даражаси юқори бўлиб қолмоқда (19% - 30%). 2012 йилдан бери оғир сепсис диагностикаси ва сепсис протоколларини қўллаш оғир сепсис, септик шок билан касалланган беморларнинг ўлимини камайтиришда истиқболли натижаларга олиб келди. Шу сабабли, ҳозирги тадқиқотлар асосий параметрларга қўшимча равишда сепсисдан ўлим билан боғлиқ ўзгарувчан омилларни аниқлашга қаратилган. Сепсисни даволашда турли омилларни ҳисобга олиш керак. Инфекцион агентларнинг антибиотикларга чидамлилиги, айниқса, оғир сепсис натижаларига таъсир қилиши мумкин; аммо, ўлим даражасини камайтириш учун бошқа ўзгартирилиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш керак (Hidron AI, Edwards JR, Patel J, et al. 2018).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 декабрь 2018 йилдаги ПФ- 5590-сонли “Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

26 та рандомизацияланган назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг мета-таҳлили ўтказилди, унда стандарт даволаш билан бирга тўлиқ парентерал озиқлантириш ёки энтерал озиқлантириш ўзаро таққосланди. Ушбу синовлар операция қилинган, куйган беморлар, панкреатит ва панкреонекроз оқибатида сепсис ривожланган 2211 беморни ўз ичига олган. Гарчи тўлиқ парентерал озиқлантириш (ТПО) ўлим даражаси ва умумий касалланишни камайтирмаган бўлса ҳам, у ҳолдан тойган беморларда касаллик оғирлигини сезиларли даражада камайтириши аниқланган. (Heyland et al. 2013)

Сепсис билан оғриган 1100 беморда ўтказилган 13 та рандомизацияланган назорат остида ўтказилган тадқиқотлар маълумотларини бирлаштириб, операциядан олдинги ТПО билан даволанган беморларда асоратлар хавфи 10% га камайганлигини кўрсатди, аммо операциядан кейинги ТПО асоратлар сонини оширади. (Twomey, Klein et al 2018). Гепатектомия қилинган беморларда операциядан олдинги ТПО ни назорат остида ўтказилган тадқиқотда операциядан олдинги ТПО лар умумий асоратлар, сепсис ва диуретикларни қўллашни камайтирди. Эътибор беринг, ушбу синовда сепсис даражаси пасайган. Аксинча, тадқиқотда операциядан олдинги ТПО дан фойдаланиш оғир сепсис ривожланиш хавфини оширди, аммо ушбу тадқиқотнинг кичик гуруҳидаги кейинги таҳлиллар шуни кўрсатдики, ТПО билан даволанган беморларда септик бўлмаган асоратлар камроқ бўлган (Veterans' Administration 2017). Ва ниҳоят, фақат етарли даражада овқатланмаган беморларни ўрганиш ТПО юқумли бўлмаган асоратларни камайтириши ва сепсис асоратларини кўпайтирмаслигини аниқлади (Bozzetti et al 2020).

Барча ютуқларга қарамай, сепсис ва уни даволашнинг ишончли мезонлари, тушунчалари, таърифларини топиш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Сепсис табиатан ўлимга олиб келиши мумкин. Сепсис билан касалланган беморларнинг аниқ биологик ва клиник гетерогенлиги: ёши, преморбид фон, қабул қилинган дорилар, инфекциянинг турли манбалари — патологик жараённинг бошланиши ва оқимининг ўзгаришига замин яратади (Никонов В.В., Соколов А.С. 2017). Бугунги кунга келиб, беморлар контингентида парентерал озиқлантириш усуллари қўллаш бўйича келишув мавжуд эмас. Бундан ташқари, турли хил асоратлар, хусусан буйрак ёки жигар етишмовчилигининг ривожланиши билан парентерал озиқлантиришнинг у ёки бу усули бўйича аниқ ва нисбатан аниқ тавсиялар мавжуд эмас.

Мамлакатимизда бир қатор олимлар турли касалликларнинг ривожланиши, ташхиси ва даволашдаги нуқсонлар туфайли юзага келган танқидий шароитларни самарали даволаш бўйича тадқиқотлар олиб боришди, аммо сепсис билан касалланган беморлар учун интенсив терапия ҳали тўлиқ такомиллаштирилмаган.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, оксил-энергия етишмовчилигининг хусусиятларини баҳолаш самарали озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01990007377 "анестезия, интенсив терапия ва реанимацияда гомеостаз ва эндотоксемия диагностикасида замонавий технологияларнинг самарадорлиги" (2018-2023) доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади парентерал озиклантириш комплексига мувозанатлаштирилган аминокислоталарни киритиш алгоритмини ишлаб чиқиш орқали жигар ёки буйрак етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мувозанатлаштирилган аминокислоталарни ўз ичига олган парентерал озиклантириш фонидида сепсис билан касалланган беморларда клиник ва биокимёвий мезонлар асосида оксил-энергия етишмовчилиги даражасини ва унинг динамикасини аниқлаш;

кўп компонентли интенсив терапия таркибидаги мувозанатлаштирилган аминокислоталарни тизимли яллиғланиш реакциясининг оғирлигига таъсирини ўрганиш;

сепсисда буйрак ёки жигар етишмовчилигини даволашда мувозанатлаштирилган аминокислоталардан парентерал фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

жигар ёки буйрак етишмовчилигини ҳисобга олган ҳолда сепсис билан касалланган беморларда овқатланишни қўллаб-қувватлаш алгоритмини такомиллаштириш;

парентерал озиклантиришни қўллаб-қувватлаш учун таклиф қилинган техниканинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг 1-2 реанимация бўлимларида 18 ёшдан 90 ёшгача бўлган 80 нафар юмшоқ тўкималар флегмонаси, перитонит, панкреонекроз ва метрозэндометрит фонидида ривожланган тасдиқланган сепсис ташҳиси билан даволанган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети: лаборатор, функционал ва асбобий текширувлар натижалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда сепсис ривожланган беморларни интенсив даволашда клиник, лаборатор: биокимёвий, иммунологик, асбобий: рентгенологик, ультратовуш, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сепсис билан касалланган беморларни кенг қамровли лаборатория текшируви натижалари асосида тана массаси етишмовчилиги бўлмаган беморларда тез ривожланаётган оксил-энергия етишмовчилиги мавжудлиги аниқланган;

сепсиснинг метаболик терапияси таркибида мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш тизимли яллиғланиш реакцияси фаоллигини камайтирувчи восита сифатида асослаб берилган;

буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан касалланган беморларда анъанавий аминокислоталарни парентерал озиклантириш таркибига мувозанатлаштирилган аминокислоталар билан

алмаштириш оксил метаболизмининг бузилишини янада самарали даволашга ёрдам бериши, стрессли гипергликемия ривожланиш частотасини пасайтириши, жигар ва буйрак функцияларини тиклашни тезлаштириши исботланган;

анъанавий аминокислоталарга нисбатан қисқа вақт ичида мураккаб буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан сепсис учун мувозанатлаштирилган аминокислоталардан фойдаланган ҳолда парентерал озиклантиришни қўллаш фонида оксил алмашинуви кўрсаткичларининг нормаллашиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник ва лаборатория параметрларини таҳлил қилиш сепсис билан касалланган беморларда оксил-энергия етишмовчилигининг оғирлигини баҳолаш ва комбинацияланган озиклантириш самарадорлигини баҳолаш имконини берди;

мувозанатлаштирилган аминокислоталардан нутритив қўллаб-қувватлашнинг бир қисми сифатида фойдаланилганда, уларнинг оксил, углевод ва ёғ алмашинуви бузилишларини даволашга ижобий таъсири аниқланди;

сепсис билан касалланган беморларда мувозанатлаштирилган аминокислоталарни метаболик терапия дастурига киритишда тизимли яллиғланиш реакцияси фаоллигининг пасайиши қайд этилди;

буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсисда мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш оксил алмашинувини нормаллаштириш ва полиорган етишмовчиликни даволашда самарали эканлиги аниқланди;

сепсис билан касалланган беморларнинг метаболик терапиясига мувозанатлаштирилган аминокислоталарнинг киритилиши реанимация ва интенсив терапия бўлимларида даволаниш вақтини 28 фоизга қисқартирди, бу эса молиявий томондан 6 092 160 сўм тежашга имкон берди.

Олинган натижаларнинг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланиладиган назарий ёндашувлар ва усуллар, тадқиқотнинг услубий аниқлиги, сепсис билан касалланган беморларни тадқиқ қилишнинг замонавий иммунологик, биокимёвий, статистик усуллари, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни интенсив терапияни такомиллаштириш халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ихтисослашган аминокислоталар ёрдамида парентерал озиклантиришни қўллаш орқали буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан касалланган беморларда оксил-энергия етишмовчилигини даволашнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сепсис билан касалланган беморларни даволашда буйрак ва жигар етишмовчилигини даволашнинг энг самарали усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, оксил метаболизмини даволаш натижаларини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан касалланган беморларни интенсив терапия хусусиятларини илмий ўрганиш натижалари асосида: «Сепсис билан касалланган беморларни комплекс даволашда мувозанатлашган аминокислоталарни қўллаш методикаси» (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 25 мартдаги 03-24/290-сонли ҳулосаси) услубий тавсиялари тасдиқланган.

биринчи илмий янгилик: Сепсис билан касалланган беморларни кенг қамровли лаборатория текшируви натижалари асосида тана массаси етишмовчилиги бўлмаган беморларда тез ривожланаётган оксил-энергия етишмовчилиги мавжудлиги аниқланган. Ушбу усул сепсис билан касалланган беморларда оксил-энергия етишмовчилигини таххислаш учун лаборатория текширувлари етарли эканлигини ва бу самарали эканлигини кўрсатган; *ижтимоий самарадорлиги:* сепсис билан касалланган беморларда тез ривожланаётган оксил-энергия етишмовчилиги мавжудлигини аниқлаш беморларнинг оғирлик даражасини ва ўлим кўрсаткичини камайтиради, жамоат саломатлигига ижобий таъсир кўрсатган; *иқтисодий самарадорлиги:* сепсис билан касалланган беморларни кенг қамровли лаборатория текшируви натижалари асосида тана массаси етишмовчилиги бўлмаган беморларда тез ривожланаётган оксил-энергия етишмовчилиги мавжудлигини аниқлаш орқали реанимация ва интенсив терапия бўлимларида беморларни даволаниш муддатини сезиларли даражада камайтиришга имконият берган. Реанимация бўлимида даволаниш муддати А гуруҳида ўртача $17,12 \pm 0,55$ кун, В гуруҳида эса $23,8 \pm 0,95$ кун бўлган; *ҳулоса:* сепсис билан касалланган беморларда тана массаси етишмовчилиги бўлмаган ҳолатларда ҳам кенг қамровли лаборатория текширувлари асосида тез ривожланаётган оксил-энергия етишмовчилигини аниқлаш усули клиник, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, у беморларнинг оғирлик даражаси ва ўлим кўрсаткичини камайтириш ҳамда даволаниш муддатини қисқартиришга имконият берган;

иккинчи илмий янгилик: Сепсиснинг метаболик терапияси таркибида мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш тизимли яллиғланиш реакцияси фаоллигини камайтирувчи восита сифатида асослаб берилган. Мувозанатлаштирилган аминокислоталарни парентерал озиклантириш таркибида қўллаш орқали яллиғланиш медиаторлари ишлаб чиқарилиши камайиб, оксидловчи стресс назорат қилинган ва иммунитет тизими мувозанатга келган. Бу эса сепсисда оғир асоратлар хавфини камайтириб, беморларнинг соғайиш имкониятини оширган; *ижтимоий самарадорлиги:* сепсисдан омон қолган беморларда кўп ҳолларда сурункали асоратлар (неврологик, мушак, буйрак ва жигар етишмовчилиги) қолади. Парентерал озиклантириш ва фармаконутриентлар бундай оқибатларни енгиллаштириб, ногиронлик даражасини камайтиришга ёрдам берган; *иқтисодий самарадорлиги:* сепсиснинг метаболик терапияси таркибида мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш тизимли яллиғланиш реакцияси фаоллигини камайтириши туфайли беморларни стационарда даволаниш муддатини камайтирган. 1 кунлик реанимацияда даволаниш нархи:

912 000 сўм. Натижада, А гуруҳида умумий харажатлар: $15\,613\,440 \pm 4\,979\,520$ сўм, В гуруҳида эса $21\,705\,600 \pm 4\,642\,080$ сўм. Ўртача $6\,092\,160$ сўм миқдорида маблағ тежалган; *хулоса*: сепсиснинг метаболик терапияси таркибида мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш яллиғланиш реакцияси фаоллигини камайтириб, оғир асоратлар ва ногиронлик даражасини қисқартирган ҳамда беморларни стационарда даволаш муддатини камайтириш орқали ўртача $6\,092\,160$ сўм иқтисодий тежашга эришилган;

учинчи илмий янгилик: Буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан касалланган беморларда анъанавий аминокислоталарни парентерал озиклантириш таркибига мувозанатлаштирилган аминокислоталар билан алмаштириш оксил метаболизмининг бузилишини янада самарали даволашга ёрдам бериши, стрессли гипергликемия ривожланиш частотасини пасайтириши, жигар ва буйрак функцияларини тиклашни тезлаштириши исботланган. Мувозанатлаштирилган аминокислоталардан фойдаланиш – оксил парчаланишини камайтирган, энергия таъминотини оптималлаштирган; жигар ва буйракни ортиқча метаболик юкланишдан сақлаб, даволаш самарадорлигини оширган – сепсисда кўп учрайдиган оксил–энергетик етишмовчиликни қисқа муддатда тузатишга ёрдам берган; *ижтимоий самарадорлиги*: мувозанатлаштирилган аминокислоталардан фойдаланиш реабилитацияни тезлаштирган – беморларнинг тикланиш даврини қисқартирган ва ўлим кўрсаткичларини камайтирган; *иқтисодий самарадорлиги*: мувозанатлаштирилган аминокислоталардан фойдаланиш орқали беморларни реанимация ва интенсив терапия бўлимларида даволаниш муддатини сезиларли даражада камайтиришга имконият берган. Реанимация бўлимида А гуруҳидаги беморлар В гуруҳидаги беморларга нисбатан 6,68 кун камроқ вақтни реанимацияда ўтказишган, бу эса 28% га қисқариш дегани. Касалхонада умумий даволаниш муддати ҳам А гуруҳида камроқ бўлган; *хулоса*: буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсисда мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш оксил парчаланишини камайтириб, энергия алмашинувини оптималлаштирган, жигар ва буйрак функцияларини тиклашни тезлаштирган ҳамда беморларнинг реанимацияда даволаниш муддатини 28% га қисқартириш орқали клиник, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликни таъминлаган;

тўртинчи илмий янгилик: Анъанавий аминокислоталарга нисбатан қисқа вақт ичида мураккаб буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан сепсис учун мувозанатлаштирилган аминокислоталардан фойдаланган ҳолда парентерал озиклантиришни қўллаш фонида оксил алмашинуви кўрсаткичларининг нормаллашиши аниқланган. Мувозанатлашган аминокислоталардан фойдаланиш сепсисда мураккаб жигар ва буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда оксил алмашинувини қисқа вақт ичида нормаллаштириш, метаболик асоратларни камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган; *ижтимоий самарадорлиги*: мувозанатлашган аминокислоталарни қўллаш сепсисдаги оғир беморларда тикланишни тезлаштириб, ўлим кўрсаткичларини камайтирган, даволаниш муддатини

қисқартирган, соғлиқни сақлаш харажатларини камайтирган ва беморларни тезроқ жамиятга қайтаришга ёрдам берган; *иқтисодий самарадорлиги*: мувозанатлашган аминокислоталарни қўллаш туфайли беморларни стационарда қолиш муддатини камайтирган. 1 кунлик реанимацияда даволаниш нархи: 912 000 сўм. Натижада, А гуруҳида умумий харажатлар: 15 613 440 ± 4 979 520 сўм, В гуруҳида эса 21 705 600 ± 4 642 080 сўм. Ўртача 6 092 160 сўм миқдорида маблағ тежалган; *хулоса*: сепсисда жигар ёки буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда мувозанатлашган аминокислоталарни қўллаш оксил алмашинувини тезроқ нормаллаштирган. Бу усул анъанавий аминокислоталарга қараганда самаралироқ бўлиб, метаболик бузилишларни қисқа муддатда тўғрилаш ва органларнинг тикланишини жадаллаштириш имконини берган.

Тадқиқот давомида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти О.Ю. Отабеков номли клиникаси (10.09.2024 йилдаги 98/1i/ch-сонли буйруқ), Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси (25.01.2025 йилдаги 108-7-107-ТВ/2025-сонли буйруқ) амалиёт фаолиятига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техника кенгашининг 2025 йил 22 майдаги №18/51 хулосаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Иш натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида эълон қилинди.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та журнал мақолалари чоп этилган, улардан 4 таси республика ва 3 таси хорижий нашрларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, муҳокама, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар қисмидан иборат. Диссертация 114 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва муҳимлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жигар ёки буйрак етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан оғриган беморларда метаболик терапиянинг хусусиятлари ва замонавий ғоялари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган мавзу бўйича замонавий адабиётлардан

фойдаланилган ҳолда мулоҳазалар келтирилган. Маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш турли хил танқидий шароитларда мувозанатлаштирилган аминокислоталарнинг ижобий таъсирига ишонтирадиган кўплаб экспериментал ва клиник маълумотларни намойиш этди. Шунга қарамай, буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсиснинг оғир босқичида фармаконутритив ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар етарлича ёритилмаган. Биз ушбу тоифадаги беморларда фармаконутриентларнинг қарши кўрсатмаси ва салбий таъсири тўғрисида маълумот топмадик. Бундан ташқари, гарчи кўпинча беморлар реанимация ва интенсив терапия бўлимлари шароитида даволанса ҳам, ишларнинг аксарияти озуқа моддаларини етказиб беришнинг парентерал ёки энтерал усулларига ёки уларни таққослашга бағишланган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга жалб этилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот дизайни, унинг материаллари ва усуллари, статистик қайта ишлаш баён қилинган. Тадқиқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг 1-2 реанимация бўлимларида 18 ёшдан 90 ёшгача бўлган 80 нафар юмшоқ тўкималар флегмонаси, перитонит, панкреонекроз ва метроэндометрит фонида ривожланган тасдиқланган сепсис ташҳиси билан даволанган беморлар олинган. Ушбу тадқиқот 2021-2023 йиллар давомида Тошкент Тиббиёт Академиясининг жарроҳлик реанимация бўлимида сепсис билан оғриган 80 нафар бемор таҳлилига асосланади. Тадқиқотда сепсис ривожланишининг умумий хусусиятлари, диагностика мезонлари ва интенсив терапия методлари ўрганилди. Сепсис билан оғриган беморлар орасида эркаклар кўпроқ учраган бўлиб, уларнинг ёши асосан 30-39 оралиғида бўлган.

1 - жадвал

Жарроҳлик сепсис билан касалланган беморларнинг ёш таркиби

Ёш	Беморлар сони, %							
	Эркаклар, n=44		Аёллар, n=36		χ^2	P	Жами, n=80	
	абс.	%	абс.	%			абс.	%
20-29	6	13,6	11	30,6	3,39	>0,05	17	21,3
30-39	15	34,1	7	19,4	2,1	>0,05	22	27,5
40-49	8	18,2	5	13,9	0,27	>0,05	13	16,3
50-59	9	20,5	7	19,4	0,01	>0,05	16	20,0
60-69	4	9,1	4	11,1	0,09	>0,05	8	10,0
70-79	1	2,3	2	5,6	0,59	>0,05	3	3,8
80-89	1	2,3	0	0,0	0,0	>0,05	1	1,3

Тадқиқотга фақат буйрак ёки жигар етишмовчилиги билан асоратланган сепсис билан оғриган ва парентерал озиқланишга қарши кўрсатмалари бўлмаган беморлар киритилди. Агонал ҳолатдаги беморлар, юрак қон-томир

етишмовчилиги, коагулопатик қон кетишлари ва ОИТС ёки сил касаллиги бор беморлар тадқиқотга жалб этилмади. Сепсис ташҳиси ACCP/CCCM (1992) мезонлари асосида қўйилди. Беморларнинг аҳволи SOFA ва SAPS шкаллари орқали баҳоланди.

2 - жадвал

А ва В гуруҳидаги беморларнинг хусусиятлари

Кўрсаткичлар		А гуруҳи – Ўрганилаётган (n=43)	В гуруҳи – Қийёсий (n=37)	P
Ёши, йиллар		54,2±2,5	52,33±2,3	0,57
Жинс	Эркаклар	24 (55,8%)	20 (54,1%)	>0,05
	Аёллар	19 (44,2%)	17 (45,9%)	>0,05
BMI, kg / m ²		27,16±0,83	27,0±0,89	>0,05
Умумий протеин, г / л		51,24±1,6	53,3±1,7	>0,05
Альбумин, г / л		27,12±0,80	27,6±0,91	>0,05
Трансферрин, мг%		100,1±3,1	104,53±3,4	>0,05
SAPS, балл		17,05±0,56	16,57±0,54	>0,05
SOFA, балл		14,56±0,50	14,47±0,48	>0,05

Сепсисни даволашда санацион жарроҳлик амалиётлари, механик вентиляция, инфузион терапия, антибактериал муолажалар ва нутритив қўллаб-қувватлаш стратегияларидан фойдаланилди. Беморларда озиқланиш ҳолатини баҳолаш учун NRS-2002, NUTRIC ва mNUTRIC шкаллари ишлатилди. Ичак етишмовчилиги синдроми бўлган беморлар учун энтерал озиқланиш чекланган бўлиб, асосий энергия эҳтиёжлари парентерал озиқлантириш орқали таъминланди. Озиқланиш жараёнида Нутриком ва Нутрик 1,5 каби махсус аралашмалардан фойдаланилди. Сепсисни самарали даволашда эрта диагностика, индивидуал ёндашув ва комплекс терапиянинг аҳамияти тасдиқланди. Инфузион терапиянинг индивидуал режалаштирилиши ва антибактериал стратегияларнинг тўғри танланиши беморларнинг умумий аҳволини яхшилашда муҳим омиллар эканлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари келажакда сепсис билан боғлиқ беморларни самарали даволаш учун асосий методологик йўналишларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда шахсий компютерида олиб борилган. Статистик аҳамиятнинг ўзгариши $p < 0,05$ ишончлилиқ миқдори ҳисобланган. Хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш учун Пирсон (r) жуфт корреляция коэффиценти ҳисоблаб чиқилган.

Учинчи бобда “Септик ҳолатда полиорган етишмовчилиги бўлган беморларда комплекс терапия таркибида мувозанатлаштирилган

аминокислоталардан фойдаланиш натижалари” келтирилган. Ушбу бобда сепсис ва полиорган етишмовчилиги бўлган 80 беморни даволаш натижалари келтирилган, уларнинг кўп компонентли интенсив терапиясининг таркиби томир ичига мувозанатлаштирилган аминокислоталар (Акумин Гепа, Гепавил, Акумин-Нефро) ёрдамида энтерал-парентерал озиқлантиришни ўз ичига олган. Қиёсий гуруҳ аминокислоталарнинг анъанавий таркибидан фойдаланган ҳолда парентерал озиқланишни олди. Метаболизмнинг асосий турлари (оқсил, углевод ва ёғ) кўрсаткичларининг динамикаси, ҳолатнинг умумий оғирлиги ва орган етишмовчилигининг оғирлиги, шунингдек даволашнинг клиник натижалари таққосланди. Сепсис ва кўп орган етишмовчилиги бўлган беморларда метаболизмнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш натижасида организмнинг энергияга бўлган эҳтиёжи ортиши билан намоён бўладиган кучли гиперметаболик гиперкатаболизм мавжудлиги аниқланган. Энергия сарфининг ҳисобланган усул билан аниқланган ҳақиқий миқдори асосий гуруҳда дастлаб $2612,00 \pm 81,8$ ккал/суткани, таққослаш гуруҳида эса $2598 \pm 86,1$ ккал/суткани ташкил қилган.

3 - жадвал

А гуруҳидаги энергия истеъмолининг кунлик динамикаси (n=43).

Сепсис кун	SOFA, балл	ДРЭ, ккал/кун	ДРЭ, ккал/кг/кун	Азот йўқотилиши, г / кун	Азот йўқотилиши, г/кг/сут
1 кун	$7,34 \pm 0,24$	$2612 \pm 81,8$	$36,6 \pm 1,1$	$21,1 \pm 0,69$	$0,29 \pm 0,009$
2-3 кун	$7,39 \pm 0,25$	$2604 \pm 83,3$	$36,7 \pm 1,2$	$22,2 \pm 0,71$	$0,31 \pm 0,010$
5-6 кун	$7,31 \pm 0,23$	$2676 \pm 84,4$	$37,5 \pm 1,3$	$22,9 \pm 0,75$	$0,32 \pm 0,011$
9-10 кун	$6,66 \pm 0,21^*$	$2233 \pm 74,2^{**}$	$32,0 \pm 1,0^*$	$20,1 \pm 0,66$	$0,28 \pm 0,009$
14-15 кун	$4,75 \pm 0,16^{***}$	$2328 \pm 78,0^*$	$32,8 \pm 1,1^*$	$18,3 \pm 0,61^{**}$	$0,26 \pm 0,008^*$

Изоҳ: * – 1-кун кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)


4 - жадвал

В гуруҳидаги энергия талабининг кунлик динамикаси (n=37).

Сепсис кун	SOFA, балл	ДРЭ, ккал/кун	ДРЭ, ккал/кг/кун	Азот йўқотилиши, г / кун	Азот йўқотилиши, г/кг/сут
1 кун	$7,36 \pm 0,24$	$2598 \pm 86,1$	$36,7 \pm 1,1$	$21,2 \pm 0,68$	$0,29 \pm 0,009$
2-3 кун	$7,29 \pm 0,23$	$2620 \pm 88,0$	$37,1 \pm 1,2$	$20,6 \pm 0,65$	$0,29 \pm 0,009$
5-6 кун	$7,27 \pm 0,21$	$2686 \pm 86,9$	$37,8 \pm 1,3$	$20,9 \pm 0,68$	$0,30 \pm 0,010$
9-10 кун	$6,75 \pm 0,20^*$	$2243 \pm 75,7^{**}$	$32,6 \pm 1,0^*$	$18,1 \pm 0,59^{**}$	$0,25 \pm 0,008^{**}$
14-15 кун	$4,91 \pm 0,16^{***}$	$2324 \pm 77,1^*$	$32,7 \pm 1,1^*$	$17,0 \pm 0,54^{***}$	$0,24 \pm 0,007^{***}$

Изоҳ: * – 1-кун кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001)

Мувозанатлаштирилган аминокислоталардан фойдаланилган парентерал озиқланишни қабул қилган гуруҳда ушбу кўрсаткичнинг камайиш тенденцияси интенсив терапиянинг 5-кунидан бошлаб кузатилган, таққослаш гуруҳида эса бу ўзгариш фақат 14-кунга келиб кузатилган (Жадвал 3 ва 4).



1-расм. А ва Б гуруҳларидаги энергия талабларининг динамикаси графиги

Аммо шуни таъкидлаш керакки, 50% ҳолларда беморлар томонидан ўрганилган кунлик килокалориялар сони ҳисобланган кўрсаткичлардан ($\pm 500-700$ ккал) фарқ қилади. Олинган ҳисоб-китоб маълумотлари унга бир нечта таркибий қисмларнинг ҳиссасини баҳолаш орқали беморларнинг энергия сарфини объективлаштиришга имкон берди: зарар омили, беморларнинг жисмоний фаоллиги, ҳарорат реакцияси ва тана вазнининг етишмаслиги ёки ортиқча бўлиши. Тадқиқот натижаларига кўра, операциядан кейинги даврда беморларда оқсил ва унинг фракциялари даражасининг динамикаси аниқланди. Дастлабки маълумотларга кўра, гуруҳларда умумий оқсил ва альбумин даражасининг ошиши кузатилган. Айниқса, мувозанатлаштирилган аминокислоталар (Гепа ва Нефро) қўлланган А гуруҳида бу ўсиш назорат гуруҳига нисбатан тезроқ ва барқарорроқ содир бўлган.

5 -жадвал

Операциядан кейинги табиатдаги оқсил алмашинуви кўрсаткичларининг динамикаси.

Кўрсаткичлар	А гуруҳнинг операциядан кейинги даври (n=43)			
	1 кун	3 кун	5 кун	7 кун
Умумий протеин г/л	50,2 \pm 1,7	55,9 \pm 1,8*	61,31 \pm 2,0***	61,3 \pm 1,9***
Альбумин г/л	24,2 \pm 0,75	24,9 \pm 0,78	30,2 \pm 1,0***	33,28 \pm 1,1***
Глобулин г/л	29,1 \pm 0,88	31,8 \pm 0,99*	36,3 \pm 1,2***	42,1 \pm 1,4***
Трансферрин мг%	104,2 \pm 3,1	114,7 \pm 3,6*	107,8 \pm 3,4	111,3 \pm 3,5
А/Г коэффициент	0,83 \pm 0,02	0,85 \pm 0,026	1,0 \pm 0,031***	1,01 \pm 0,032***
В гуруҳнинг операциядан кейинги даври (n=37)				
Умумий протеин г/л	50,3 \pm 1,6	55,5 \pm 1,8*	56,5 \pm 1,9*	60,0 \pm 2,0**
Альбумин г/л	24,3 \pm 0,76	24,1 \pm 0,76	27,3 \pm 0,91*	30,27 \pm 1,1***
Глобулин г/л	30,8 \pm 0,96	28,5 \pm 0,90	30,4 \pm 1,01	34,0 \pm 1,2*
Трансферрин мг%	104,4 \pm 3,4	107,5 \pm 3,6	106,3 \pm 3,4	102,7 \pm 3,3
А/Г коэффициент	0,78 \pm 0,024	0,84 \pm 0,027	0,89 \pm 0,029*	0,96 \pm 0,031***

Изох: * – 1-кун кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*– $P<0,05$; **– $P<0,01$; ***– $P<0,001$)

Тадқиқот натижалари аминокислоталар инфузияси амалга оширилган беморларда оксил-энергетик етишмовчиликнинг пасайиш тенденцияси анча эрта кузатилганини кўрсатди. А гуруҳида альбумин даражаси 5-кунга келиб ишончли равишда ошган, В гуруҳида эса бу жараён 14-кунга келибгина қайд этилган. Бу эса олиб борилган нутритив терапиянинг самарадорлигини тасдиқлайди. Шунингдек, лимфоцитлар миқдорининг динамикаси ҳам аниқланди. Парентерал озиклантириш ва аминокислоталар қўлланилган беморларда лимфоцитлар сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 14-кунга келиб ҳам ҳали енгил даражадаги нутритив етишмовчилик чегарасида қолган. Бу эса иммун тизимининг тикланиш жараёнидаги секин динамикани кўрсатади.

Умуман олганда, операциядан кейин нутритив қўллаб-қувватлаш стратегиясида мувозанатлаштирилган аминокислоталарни қўллаш оксил алмашинувининг яхшиланишига ва тезроқ тикланишга ҳисса қўшиши аниқланди. Беморларнинг оғирлик даражаси ва полиорган етишмовчилиги APACHE II ва SOFA шкалалари бўйича баҳоланди. Дастлабки босқичда ҳар иккала гуруҳ ушбу кўрсаткичлар бўйича ўхшаш эди, умумий баллар йиғиндиси эса полиорган етишмовчилиги мавжудлигини кўрсатди. Даволаш жараёнида А гуруҳидаги беморларнинг умумий ҳолати яхшиланиши ва полиорган етишмовчилиги даражасининг камайиши кузатилди. Б гуруҳида эса бу ўзгаришлар статистика жиҳатдан ишончли даражада сезилмади.

6 - жадвал


APACHE II ва SOFA шкаласи бўйича беморларнинг ахволи динамикаси

Тадқиқот кунлари	APACHE II, балл		SOFA, балл	
